

**“Конвин” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича
Хабарнома**

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядор, Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида, “Конвин” АЖ, Сизга 2021 йил 11 сентябрь куни соат 11-00 да Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида (жамият мажлислар залида) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2021 йил 1 сентябрь куни соат 10-00 дан бошланиб соат 10-45 га қадар давом этади.

Сизга умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. “Конвин” АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. “Конвин” АЖ санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Конвин” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан жамиятни 2020 йилга бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан жамият Бошқарув раисиининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. “Конвин” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш.

5. “Конвин” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг ҳулосасини эшитиш.

6. “Конвин” АЖнинг 2021 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш;

7. “Конвин” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.

8. “Конвин” АЖнинг 2020 йилдаги фойда ва зарарларни тақсимлаш, жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.

9. “Конвин” АЖ ижроия органи раҳбарини сайлаш (шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш).

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари билан ҳар иш куни соат 14-00 дан 18-00 га қадар Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида, “Конвин” АЖда танишишингиз мумкин.

Акциядорлар йиғилишига жисмоний шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан, вакиллари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан, юридик акциядорлар эса ишончнома билан келишлари шарт.

Кўшимча маълумотлар учун:

Жамият расмий корпоратив веб сайти: www.aokonvin.uz

Электрон почта манзили: oaokonvin@mail.ru

Телефон: 0(370) 742-18-35